



ХАВАР

O'ZBEKISTON POCHTA VA TELEKOMMUNIKATSİYALAR AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqa boshlagan

2002 yil, 12 aprel № 15 (500)

Sotuvda narxi erkin

ИЛМИЙ АНЖУМАН ЎТКАЗИЛДИ

Агентлик мажлислар залида Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти ҳамда Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази билан ҳамкорликда "Почта ва телекоммуникациялар соҳасида махсулотларни сертифицилаштиришдан хизматларни сертифицилаштириш" мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Уч кун давом этган анжуманда Агентлик Бош директори А.Арипов, Бош директор ўринбосари А.Избосаров, Агентлик лицензиялаш, сертифицилаш ва стандартлаш бўлими бош мутахассиси В.Дворин, Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази директори Р.Исаев, Ўзбекистон радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти раиси ўринбосари З. Ортиқова, Ўзбекистон давлат стандарти бош метрологи С.Жебровскийлар раҳбарлигида 80дан ортиқ етакчи мутахассислар иштирок этди.

Маълумки, мамлакатимиз халқ ҳўжалиги ва иқтисодиётининг бошқа йўналишлари қатори телекоммуникация хизматлари соҳасида ҳам муҳим ижобий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Телекоммуникация бозорини сифатли махсулотлар билан таъминлаш, тақдим этилаётган хизматлар сифатини халқаро

метёрлар даражасига етказишда сертифицилаштириш алоҳида мавқега эгадир.

Анжуман давомида муҳоамага қўйилган ўттизга яқин маърузаларда соҳанинг долзарб масаласи бўлган техник воситаларни ва хизматларни сертифицилаштиришга алоҳида урғу берилди. Иштирокчилар ўртасида энг қизиқarli маърузаларни аниқлаш мақсадида танлов ўтказилди. Танловда биринчи ўринни эгаллаган Улугбек Аҳмедов 30 минг сўм, иккинчи ўрин соҳибі Владимир Голцов 20 минг, учинчи ўринга лойиқ топилган Станислав Жебровский ҳамда Алмира Гагаулинлар 15 минг сўмдан пул мукофотлари билан тақдирландилар.

Семинар якунида соҳа муаммоларини ҳал қилиш юзасидан таклиф ва кўрсатмалар мажмуаси қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

ТЕЛЕМИНОРАДА БАЙРАМ

"Ўзбекистон-Германия" дўстлик жамияти фаолларининг навбатдаги учрашуви Тошкент Телеминорасида ташкил этилган Наврўз байрами дастурхони атрафида ўтди. Учрашува Республикамиз жамоатчилиги аъзолари, маданият, ва зирликлар ходимлари, қўшма корхоналар, ўрта ва кичик тадбиркорлик бирлашмалари ҳамда бошқа жойлардан вакиллар иштирок этди. Тағбирда дўстлик жамияти раҳбарияти Германияда ўтказилган "Сиз Ўзбекистонни биласизми?" висториниси қўлибларини таништирди. Қўлиблар — Бонн шаҳридаги Бетховен номидаги гимназия ўқувчи-

лари ва ўқитувчилари Ўзбекистон Давлат Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Шайхонтоҳур тумани академик лицейи тақлифи билан Тошкентга келишиди. Совриндорлар қадимий Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларини томоша қилишди. Шунингдек, маҳаллаларда бўлиб, ўзбек оилалари билан танишдилар, қўшамнинг шоҳ таоми — сумалак билан сийландилар. Меҳмонларда мустақилликка эришган республикамиз муваффақиятлари катта таассурот қолдирди.

А.КУДИНОВ

Танқиддан сўнг КАМЧИЛИКЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

"Хавар" газетасининг 2002 йил, 25 январ, 4-сонидаги "Сарфланган сармоа самара берсин" номли мақолада кўрсатилган камчиликлар бўйича қўйидагиларни маълум қиламиз.

"Дўстлик" ва Янгиариқ жамоа ҳўжаликларида ўрнатилган ИКМ ускунаси қайта таъмирланди ва Термиз шаҳри станцияси билан боғланди. Ҳозирги кунда барча камчиликлар бартараф қилиниб, ИКМ-15 ускунаси бир маромда ишлаб турибди. Қайта таъмирланган Янгиариқ қишлоқ АТСи мижозларга сифатли алоқа хизмати кўрсатмоқда.

Жайраҳона қишлоқ АТСида

Янгиариқ қишлоқ АТСи билан қишқив ва кириш каналлари ташкил этилди. Абонентлар сони кўпайтирилмоқда. Намуна қишлоқ АТСи жамоа ҳўжалик ҳисобиде туради. Ушбу АТС умуман ишламаслиги боис Намуна қишлоғига Термиз шаҳар АТСидан телефон ўрнатилди.

2002 йилнинг 2-чорағида қорхонанинг Шўрчи ва Қорлик, 4-чорағида эса Сарийосиё ва Узун филиалларида рақамли телефон станцияларини ишга тушириш кўзда тутилган.

У.АШУРОВ,
"Сурхондарё Телеком"
шўьба қорхонаси бош директори

Республика ҳудудида хат-хабарларнинг мижозларга назорат муддатларидан кеч етказиб берилиш ҳолатлари Давлат алоқа инспекцияси томонидан бир неча маротаба оммавий ахборот воситаларида ёритилган эди.

Бу гунги кунда

ОВОРАЮ САРСОН МАКТУБЛАР

назорат муддатларининг бузилиши Наманган вилояти почта алоқаси қорхоналарида ҳам содир бўлмоқда. Давлат алоқа инспекцияси Наманган вилоят бўлимига томонидан жорий йилнинг март ойида хатларнинг назорат муддатида ўтиши ўрганиб чиқилганда почта ходимлари ушбу масалага старли даражада эътибор бермаётганлиги аниқланди. Жумладан, Наманган шаҳридан Тошкент шаҳрига 15 март куни жўнатилган 265-сонли буюртма хат 20 март куни, 120 соатда (меъёр 72 соат) етиб борган. Тошкентдан Наманганга 15 март куни жўнатилган оддий хат Наманганга 20 март куни, 120 соатда (меъёр 72 соат) келиб тушган. Ушбу хатлар пойтахт марказидан вилоят марказига (агарда қишлоқ жойларига жўнатилганда, бу муддат янада кўпроқ бўлиши мумкин эди) жўнатилган. Турли байрамлар ва туғилган кунлар муносабати билан жўнатилган табрикнома ҳамда кутловларнинг ўз эгаларига кеч етиб бориши мижозларини норози қилмоқда. Афсуски, бундай салбий ҳолатларни қўллаб қўзғатиш мумкин.

Алоқа бўлимига кўшнинг иккин-

чи ярмида тоширилган хатлар эртасига жўнатилади. Бу ерда бир кун йўқотилади. Вилоят марказига келгандан сўнг яна бир кун кечикади. Қишлоқ алоқа бўлиmlарига шабана йиккинчи ярмида тоширилган хат якшанба ва душанба кунлари

почта алмасуви ўтказилмаслиги сабабли, сешанба кунигача, яъни тўрт кун ўша жойда қўлиб кетади. Наманган шаҳар филиалининг почта ташини ва тарқатиш бўлимига жўнатиш учун яна бир кун вақт кетади. Оқибатда шабаба кун тоширилган хат Тошкентга жума кун итиб келади. Битта оддий мактуб жўнатувчидан манзилгача дам олиш кунарига тўтри келиб қолганда 6-7 кунда етиб бормоқда.

Почта тарихида хатлар почта кутуларидан бир кунда икки марта йиғиштириб олинган вақтлар ҳам бўлган. Ҳозирги ҳолатларда эса хатлар почта кутуларига эмас, балки алоқа бўлиmlарига шахсан тоширилмоқда. Айни кунда почта алмасуви ҳафтада беш марта бўлиб, хатлар ҳам почта кутуларига ҳафтасига беш марта олинини жорий қилингани ҳолда Наманганда бунга амал қилинмапти.

Тез ва сифатли хизмат кўрсатуви қорхона хизматига мижозларда доимо талаб катта бўлади. Масалан, Намангандан Тошкентга кичик пакетларнинг қисқа муддатларда етиб боришини хоҳловчи кўпчилик

- Мулоҳаза
- Муаммо

мижозлар айни пайтда автовокзалдаги шахсий автомашиналарида хусусий тадбиркорлик қилиб, йўл-йўлакка й пойтахтга почта жўнатмала-

рини ҳам олиб кетувчи "янги почтачилар" хизматидан фойдаланмоқда. Хизматлар албатта текинга эмас, кичкина пакетча Тошкентнинг Олий бозори атрафига 1500, Чорсу атрафига эса 2000 сўмга эгаларига етказиб берилмоқда. Ушбу хизмат тури қўлай ва тезкор. Пакетлар почта орқали жўнатишса, муддати кечикади ва ўз вақтида етиб боришига ишонч йўқ. Серқатнов ва доимо галжум Наманган автовокзалда биронта ҳам почта қутисининг мавжуд эмаслиги ачинарли ҳолидир. Ваҳоланки, бу ердан туман, вилоят ва Тошкент йўналишларига фуқаролар кўп қатнайдилар. Агарда мутасалди раҳбарлар шу хизмат турини маркетинг орқали ўрганиб, ташкил қилганда қўшимча даромадга эга бўлар эдилар. Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир қорхонанинг тадбиркорлик билан иш тутуши замонга талабидир.

Ш.ТОШТЕМИРОВ,
Давлат алоқа инспекцияси
Наманган вилояти бўлимиаси
бошлиғи

"ХАВАР" ҚАНДАЙ БЎЛИШНИ ИСТАЙСИЗ?

МУАЛЛИФЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛИБ БОРИЛСА

Анкета жавобларига нафақат муштарий, балки ўтган давр ичиде ўнга яқин мақодалари чоп этилган муаллиф, мутахассис сифатида жавоб бермоқчиман.

"Хавар" ходимлари газета саҳифаларида муҳим муаммоларни ўртага ташлаб, баъзан кимларгадир ёқмайдиغان танқидий мақодаларни чоп этиб, муштарийлар хўрматига сазовор бўлмоқдалар. Назаримда, биз алоқачилар бепарволик, лоқайдлик иллатла-

ридан халос бўлмаган кўринамиз. Акс ҳолда газетада кўтарилган муаммолар ечилармики...

Фикримча, газетанинг ўқувчилар олдидаги бурчи — давр талабини ҳисобга олган ҳолда долзарб масалаларни акс эттирган мақодаларни қўллаб чоп этиш. Бунинг учун газетада алоқачиларимиз ҳаёти янада чуқурроқ ёритилса, "Хизмат кўрсатиш шундай бўлади", "Ўрнак олса арзийди", "Ибратли ишлар", "Мухбир бонг уради", "Почта та-

рихидан" каби рукнлар ташкил қилинса, нур устига аъло нур бўлар эди. Айни чоғда газетанинг мазмундор чиқишига ўз хиссаларини қўшиб келаётган муаллифлар рағбатлантирилиб борилиши керак.

Раҳимжон БОЛТАБОЕВ,
"Қорақалпоқ почтаси"
Ҳўжайли филиали иқтисодчиси

ОЛАМДА НИМА ГАП?

• ЯНГИЛИКЛАР • ВОҚЕАЛАР • ХАВАРААР

●Матбуотда "Ўзбекистон Республикаси Олий судининг таркибига ўзгарттиришлар киритиш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори эълон қилинди.

●Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганлигининг ўн йиллигига бағишлаб кўнчиқар мамлакатда "Биринчи

Ўзбекистон кинофестивали" бўлиб ўтди.

●АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл Исроил Бош вазири билан ўтказган музокаралардан сўнг Шарон Фаластиндаги ҳарбий амалиётларни иложи борича тез тўхтатишга ваъда берганини айтган.

●Буюк Британия ҳарбийлари Афғонистоннинг Зава водийсида махсус амалиётлар олиб бормоқ-

да. Британиялик аскарлар томонидан кенг қўламда ўтказилаётган ушбу ҳаракатлар ҳудудда "Алқоид" экстремистик ташкилоти аъзоларини таъқиб қилаётган америкалик ҳарбийларнинг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган.

●Покистон амалдаги президент Парвез Мушаррафнинг вақалатини яна беш йилга узайтириш ҳақидаги референдум шу йил 30 апрелда ўтказилишини эълон қилган. Шу билан бирга Мушарраф парламент сайловлари октябрда ўтказилишини ҳам айтган.

ИМТИЁЗ ВА ИМКОНИЯТ

Юртбошимиз Республика касабаси уюшмалари Федерацияси фаоллари билан бўлган учрашувда “Касаба уюшмалари қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини таъминлашда елкадош бўлиши керак” деган эди. Бу йўл-йўриқ ва ишончининг зиммамизга катта масъулият юклагани сир эмас. Биз ўз иш фаолиятимизни “Ўзбекистон Республикаси касабаси уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолияти кафолатлари тўғрисида”ги Қонун талаблари даражасида олиб боришга ҳаракат қилмоқдамиз.

Ўтган йили “Она ва бола” давлат дастури асосида бир қатор талбирлар амалга оширилди. Ёзги мавсумда алоқачиларнинг фарзандларидан 236 нафари оромгоҳларида жалаб этилди. Бунинг учун 3 миллион 840 минг сўм сарфланган бўлса, унинг 50 фоизи касабаси уюшмалари бюджетидан қопланди. Шу билан бирга 10 нафар аёл болалари билан соғломлаштириш масканларида бўлди. “Она ва бола” давлат дастури доирасида ўтказилган спорт мусобақалари ҳам баркамол авлод тарбиясида муҳим ўрин тутди. Катнашчилар спортнинг волейбол, мини-футбол, стритбол ҳамда эстафета турлари бўйича ўзaro баҳслашдилар. Мусобақада Денов, Музrabод туманлари ва Термиз шаҳри алоқачилари энг яхши натижаларга эришдилар. Спортчи қизларимиз республика мусобақасида стритбол бўйича учинчи, умумжамоа бўйича бешинчи ўринни эгаллашди. Ушбу талбирларни ўтказиш учун касабаси уюшмаси

ҳисобидан 250 минг сўм сарфланди.

“Яхши дам — меҳнатга ҳамдам” деганларидек, алоқа ходимларининг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари ва саломатликларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Учқизил кўли бўйидаги алоқачилар оромгоҳида 2001 йилнинг ўзида 1000 нафардан ортиқ ходимлар дам олди. 45 нафар киши Тошкент ва қадимий Самарқандга саёҳат қилишди. 112 та кам таъминланган оилага 800 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Қабул қилинган жамоа шартномаларининг бажарилишини назорат қилиш доимий диққат-эътиборимизда турибди. 2001 йилда жамоа шартномасининг 81 бандидан 80 таси бажарилгани кузатилди. Жумладан, корхонада хавфсиз ва соғлом меҳнат шaroитини яратиш мақсадида 14 миллион 660 минг сўм маблағ ажратилди. Ҳимоя воситалари учун 424 минг сўм сарфланди. Бу масала бўйича Республика алоқа ходимлари касабаси уюшмаси марказий кўмитасининг III пленумида ҳисоботимиз эштитилди. Бажарилган ишлар сарҳисоб қилинди, йўл қўйилган баъзи камчиликлар ҳам кўрсатилди.

Маълумки, жамоа шартномасининг асосий қисмини ишчи-хизматчиларга кўрсатиладиган ғамхўрлик ташкил этади. Ўтган йили биринчи марта турмуш қураётган ходимлардан 14 нафарига 342 минг сўм, пенсияга кузатилган ходимлардан 8 нафарига 185,2 минг сўм моддий ёрдам берилди. 56 нафар онага 47,7 минг сўм маблағ ажратилди. Ходимлардан 486 нафари

йил давомида телефон тўловларидан имтиёзга фойдаланди.

Корхонада жамоа шартномаларининг бажарилишида жиддий камчиликларга ҳам йўл қўйилган. Ходимларнинг ойлик маошларини ўз вақтида, ўрнатилган тартибда бера олмаганилиги учун “Сурхондарё Телеком” шўъба корхонасининг Са-риосиё, Қорлиқ филиаллари бош-лиқлари ва бош ҳисобчиларига ҳамда Денов, Музrabод, Шўрчи, Шерo-бод филиалларининг бош ҳисобчи-ларига ҳайфсан берилди. Қумқўр-ғон филиали бошлиғи С.Хўжакед-диев ва бош ҳисобчи И.Норбоев-ларнинг ойлик маошидан 40 фоиз миқдорда жарима ундирилди.

Шартноманинг меҳнат муҳофа-заси бандига ҳамма жойда риоя қилинганлиги деб бўлмайди. Бундай ҳолат баъзан кўнгилсиз ҳодисаларга олиб келипти. Ўтган йили январ ойи-да корхонанинг Музrabод филиа-ли ҳайдовчиси Ж.Бойбулов техника хавфсизлиги қонидан риоя қилма-ганилиги учун бахтсиз ҳодиса рўй берди.

Биз юқорида таъкидланган кам-чиликлар такрорланмаслиги учун 2002 йилга мўлжалланган жамоа шартномасини ҳар жиҳатдан пухта иш-лаб чиқишга ҳаракат қилдик. Ишон-чимиз комилки, бу талбирлар хиз-мат кўрсатиш самардорлигини ошириш, техника хавфсизлигини таъминлаш ҳамда алоқачиларнинг ҳар томонлама муҳофаза қилишга кенг имкон беради.

Ашурали ДАМИНОВ,
Сурхондарё алоқа ходимлари бирлашган касабаси уюшмаси кўмитаси раиси

— Бувижон, Сизни 50 ёшга тўлганингиз билан кутлайман! Бахтимизга доим омон бўлинг.

Биринчи синфда ўқийётган, гаплари бурро набираси Ёлдор-бекнинг табригидан қувонган Жўраҳон опанинг кўзлари ёшланди.

Жўраҳон опа чақмоқдек яшаб, тир. Шу йилнинг ўзида матбуот нашрларида 23 миллион 786 минг 184 сўмлик обуна қилинди. Бундай хайрли-маърифий ишларда Жўраҳон опанинг назорати, та-лабчанлиги ва саъй-ҳаракати кўл келаётди.

Ж.Хўжамқулова почта шаҳоб-часидаги жамоат ишларида ҳам

МЕҲНАТИ ЭЪЗОЗЛАНДИ

дунёдан эрта кетган қизи Дило-ромни уйлади. Ундан қолган як-каю ёлғиз набирасининг култови опа қалбидаги армонни эслати.

Пойтуғ шаҳридаги I-ўрта мак-табни тамомлаган Жўраҳон Мат-буот уюшмасининг обуна бўли-мига ишга кирди. Ишлаб юриб, Тошкент алоқа политехникуми (ҳозирги Тошкент алоқа коллежи) да почта йўналиши мутахассис-лиги бўйича сиртдан ўқиди, дип-ломли бўлди. Мана, 30 йилдир-ки у “Андижон почтаси” АЖ Из-боскан туман шаҳобчаси обуна бўлимини бошқариб келмоқда.

Айни дамда избосканлик муштарийлар республика миқёси-даги 42 турдаги газета, 46 турда-ги журнал ҳамда 100 дан зиёд вилоят газетасини мунтазам ўқиб бормоқдалар. Бошқача қилиб ай-тганда, 12200 нусха ўрнига 13268 нусха газета-журналлар тумандаги 23 та алоқа бўлими орқали ўз эга-ларига вақтида етказиб берилла-

фаол қатнашади. У Хотин-қизлар кўмитаси раиси сифатида кадр-лар бўлими мудирини Раъно Ша-рипова, “Наврўз” алоқа бўлими бошлиғи Элмира Салимгариева, Деҳқонобод алоқа бўлими хабар-чиси Манзураҳон Деҳқоновалар билан ҳамжиҳатликда хотин-қиз-лар ўртасидаги айрим муаммолар-ни, оилавий келишмовчиликлар-ни ширинсуханлик билан, ижо-бий ҳал қилиб келмоқда.

Наврўз байрами нишонлана-ётган фараҳбахш кунларда Жўра-ҳон Хўжамқулова 50 ёшга тўлди. “Андижон почтаси” акциядорлик жамияти директорининг бирин-чи ўринбосари Долим Омонов, шу корхона Обуна бўлими бош-лиғи Барчиной Абдуллаева ва бошқалар опани чин дилдан му-боракбод қилиб, эсдалик совға-ларини топширдилар.

Қўддон ҲОЖИМАТОВ,
Андижон вилояти

ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА АЛОҚА ИНСТИТУТИ

2001-2002 ўқув йилида бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича битирувчиларни корхона, ташкилот ва му-ассасалар билан келишилган ҳолда шартнома асосида ишга юбориш жараяни бошланганлиги тўғрисида хабар қилади.

Шу муносабат билан битирувчи бакалавр ва магистрларга сиз раҳ-барлик қилаётган муассасангизда эҳтиёж бўлса, таклифлар беришингиз-ни сўраймиз.

Жадвалда вилоятлар миқёсида институтиимизни тугатаётган ёш мута-хассислар ҳақида маълумот келтирилган.

БАКАЛАВРИЯТ

Т/р	Мутахассислик номи					Жами
	Ёш мутахассис-лар тақсимлана-ётган вилоятлар	Менек-мент (соҳалар бўйича)	Телекоммута-ция тизимлари ва комму-тацион тармоқла-ри	Телекоммута-ция, радиоалоқа ва телерадиоин-жинтириш	Телекомму-никация узатиш тизимлари	
1	Қорақалпоғис-тон республикаси	—	2	2	—	4
2	Андижон вилояти	—	—	1	1	2
3	Бухоро вилояти	1	4	—	3	8
4	Жиззах вилояти	—	2	—	—	2
5	Навоий вилояти	—	3	3	—	6
6	Наманган вилояти	5	6	2	2	15
7	Самарқанд вилояти	2	1	2	—	5
8	Сирдарё вилояти	2	5	—	2	9
9	Сурхондарё вилояти	1	8	7	4	20
10	Тошкент вилояти	6	21	16	34	77
11	Фарғона вилояти	1	3	2	3	9
12	Хоразм вилояти	3	2	1	2	8
13	Қашқадарё вилояти	7	9	8	7	31
14	Тошкент шаҳри	88	99	79	83	349
15	Бошқа давлатлардан	2	1	—	4	7
	Жами	118	166	123	145	552

МАГИСТРАТУРА

Т/р	Мутахассислик номи					Жами
	Ёш мутахассис-лар тақсимлана-ётган вилоятлар	Менек-мент (соҳалар бўйича)	Телекоммута-ция тизимлари ва комму-тацион тармоқла-ри	Телекоммута-ция, радиоалоқа ва телерадиоин-жинтириш	Телекомму-никация узатиш тизимлари	
1	Қорақалпоғис-тон республикаси	—	—	1	—	1
2	Андижон вилояти	—	—	—	—	—
3	Бухоро вилояти	—	1	—	—	1
4	Жиззах вилояти	—	—	—	—	—
5	Навоий вилояти	1	—	—	—	1
6	Наманган вилояти	—	3	—	—	3
7	Самарқанд вилояти	1	2	—	—	3
8	Сирдарё вилояти	—	—	1	—	1
9	Сурхондарё вилояти	—	—	4	—	4
10	Тошкент вилояти	—	7	—	—	7
11	Фарғона вилояти	—	1	—	—	1
12	Хоразм вилояти	—	1	—	—	1
13	Қашқадарё вилояти	—	1	2	—	3
14	Тошкент шаҳри	17	43	10	—	70
15	Бошқа давлатлардан	—	—	—	—	—
	Жами	19	59	18	—	96

Маълумотлар: 700084, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй.
Телефон: 138-64-18 (Маркетинг хизмати бўлими), 35-10-40 (тел/факс).

ВНИМАНИЕ!

УВАЖАЕМЫЕ ЖИТЕЛИ И ГОСТИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН!

Центр электромагнитной совместимости предупреждает, что в соответствии с действующим законодательством Республики Узбекистан ввозимые, приобретаемые, реализуемые и эксплуатируемые радиоэлектронные средства (радиодуоденители дальнего действия, без шнуровые радиотелефоны, радиостанции портативные и другие передающие устройства) на территории республики должны иметь соответствующее разрешение.

К лицам, осуществляющим ввоз, реализацию и эксплуатацию радиопередающих устройств без соответствующего разрешения будут применяться меры ответственности в соответствии с действующим законодательством Республики Узбекистан, вплоть до конфискации радиоаппаратуры.

По вопросам регистрации и выдачи разрешений на ввоз, реализацию и эксплуатацию. РЭС просим обращаться в Центр Электромгнитной совместимости (ЦЭМС) по адресу:

- г. Ташкент, ул. Амир Темура, 117, тел: 137-63-67, 35-53-87.
- г. Андижан, ул. Чулпон, д.5, кв. 49, тел: 5-66-50.
- г. Бухара, ул. Акад. И.Муминов, 2, тел: 23-95-58.
- г. Джизак, м-ля. “Итифок” мкр-н 3/1, д.23, кв. 35, тел: 6-53-63.
- г. Нукус, ул. Ерназар Алақов, здание АМТС 6-этаж, тел: 24-05-23.
- г. Карши, 1-й мкр-н, д. 43, кв. 62, тел: 5-22-36.
- г. Навои, ул. “Халқлар Дустилиги”, д.77а, тел: 3-91-10.
- г. Наманган, ул. Маргеланская, 8а, корпус 2, кв.54, тел: 6-20-30
- г. Самарқанд, “Селский”, п/о Койлбоғ, СТРК, тел: 31-22-62.
- г. Термез, ул. Гагарина, д. 32, тел: 6-04-96.
- г. Гулистан, “Халқлар Дустилиги”, д.30, тел: 25-44-56.
- г. Ферғана, ул. Навои, д. 37г, кв.36, тел: 26-49-53.
- г. Ургенч, ул. Анны Герман, д. 9, кв.84, тел: 6-77-45.

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги “Хоразм Телеком” филиали директори
Маҳмуджон СОБИРОВнинг бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси ва Ўзбекистон алоқа ходимлари касабаси уюшмаси марказий кўмитаси жамоалари “Хоразм Телеком” филиали директори
Маҳмуджон СОБИРОВнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

“Хоразм Телеком” филиали, “Хоразм почтаси” акциядорлик жамияти ҳамда вилоят алоқа ходимлари бирлашган касабаси уюшмаси кўмитаси жамоалари “Хоразм Телеком” филиали директори
Маҳмуджон СОБИРОВнинг бевақт вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқин-ларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА АЛОҚА ИНСТИТУТИ КЎЙИЛДАГИ ВАКАНТ ЛАВОЗИМЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Кафедра мудирини:
Менеджмент ва марке-тинг — 1,
Ўзбекистон тарихи — 1,
Телематика тизимлари — 1,
Алоқа техникаси ўлчов-лари — 1.


Профессорлар:
Менеджмент ва марке-тинг — 1,
Иқтисодиёт назарияси — 1.

Доцентлар:
Физика — 1,
Олий математика — 1,
Информатика — 1,
Алоқа техникаси ўлчов-лари — 1,
Рақамли техника ва электралоқанинг бошқарув тизимлари — 1.

Катта ўқитувчилар:
Чет тиллари — 1,
Радиоалоқа қурилма-лари — 1.

Ассистент (ўқитувчи)лар:
Ўзбекистон тарихи — 1,
Физика — 1,
Чет тиллари — 1.
Аризалар эълон чоп этил-гандан кейин бир ой ичида қабул қилинади. Танловда кўрсатилган мутахассислик-лар бўйича профессорлар, фан докторлари, доцентлар, фан номзодлари қатнашиш-лари мумкин.

Институт манзили:
Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 108-уй.
Телефон: 35-11-50.



• Турмуш чорраҳаларида

“ДИССЕРТАЦИЯМНИ УСТОЗИМ ЁЗЯПТИ”

Бир танишим қизини турмушга чиқариш муносабати билан бўладиган тўйга таклиф этиб қолди. Мўлжалланган хизмат сафарим тўй кунига тўғри келиб қолганлиги учун унинг “омонати”ни олдинроқ бериб қўйишга қарор қилдим. Тўйхонага кириб борганимда мени танишимнинг ўзи кутиб олди. Тўй бошланишига ҳали тўрт-беш кун бўлса-да, ҳовлида одам гавжум эди. Саккиз-ўн киши катта ёғоч сўрида чаққақлашиб ўтирар, бир неча ўамир ҳамда болалар хизмат ишлари билан машғул эди. Таклифга биноан меҳмонлар ўтирган сўридан жой олдим. Таомилга кўра мезбон менга йиғилганларни бир-бир таништиригач, ёш бўлсада тўрга чиқиб олган бақалоққина йиғитни кўрсатиб, “бу йиғит ҳамшаҳарингиз, ажойиб дўстим, докторлик диссертациясини ҳимоя қилиш арафасида” деди. Ушбу сўзларни эшитиб йиғитга ҳавас қила бошладим, у билан яқинроқ танишиб, суҳбатини олишни дилимга тугиб қўйдим. Ахир, илм қилиш осон эмас-да. Лекин сал шоишган эканман. Йиғит барчани оғзига қаратиб сайрай кетди.

— Биласизларми, катта бир давлат идорасини бошқарман, машиналар ҳам, уй-жойлар ҳам етарли. Фан билан шуғулланишга вақтим ҳам, тоқати ҳам йўқ. Диссертация мени қизиқтирмайди. Бир ярим йилга олди-қочди қилиб ёзилган номзодлик диссертациянинг ҳам қолганини билимим бир домла ёзган. Домлам жуда ажойиб ин-

сонда! Ҳақиқий устозим бор, ҳеч нимадан нолимайман.

Бошқаларга гал бермай, тинмай сўзлаётган йиғитга ўтирганлардан бири савол беришга аранг улгурди.

— Докторлик диссертациясининг ҳимояси қандай бўляпти ҳамшаҳар?

У саволни охиригача ҳам эшитишга тоқати чидамай, хурсанд ҳолда яна гапирга кетди.

— Докторлик диссертацияси ҳам ёзиляпти. Тўғриси, устоз ёзаяпти. Домла менинг номимдан кўп мақолалар, ҳатто монография ҳам ёзиб чиқарди. Диссертация учун “так что” ҳамма нарса етарли... Сизлар ҳам ҳаракат қилсангизлар фан номзоди ёки доктори бўлишларингиз мумкин, фақат ҳаракат ва яна ҳаракат ҳамда озорқ ҳаракат керак, — деб тиржайиб қўйди.

Ушбу суҳбатни эшитиб йиғитдан ҳафсалам бутунлай пир бўлди. Энди у билан танишиш нари турсин, ҳатто ундан нафратлана бошладим. Фани оёқ ости қилаётган шундай “олимлар” борилигини олдин ҳам эшитган бўлсам-да, ҳозиргидек бевосита мулоқотда бўлмаган эдим. Эсиз фан, эсиз жонқуяр домлаю олимларимиз. Йиғитга оғирроқ гапириб қўйишдан чўчиб, билдирмасдан, хайр-хўшсиз даврани тарк этдим.

Тараққиёт учун кони зарар бўлган шундай сохта олимлар ондасонда бўлса-да учраб туради.

Оқмирзо САИД

АМИР ТЕМУР ЎГИТЛАРИ

• Адолат ва инсоф билан тангрининг яратган бандаларини ўзимдан рози қилдим. Гуноҳкорга ҳам, беғуноҳга ҳам раҳм қилиб, ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим. Хайр-эхсон ишларим билан одамлар кўнглидан жой олдим.

• Золимлардан мазулмлар ҳаққини олдим. Золимлар етказган ашёвий ва жисмоний зарарларни исботлаганимдан кейин, уларни шариатга мувофиқ одамлар ўртасида муҳокама қилдим ва бир гуноҳкорнинг ўрнига бошқасига жабр-зўлм ўтказмадим.

• Менга ёмонлик қилиб, бошим узра шамшир кўтариб, ишимга кўп зиён етказганларни ҳам, илтижо билан тавбага тазарру қилиб келгач, ҳурматлаб ёмон қилмишларини хотирладим ўчирдим. Мартабаларини оширдим. Улар билан муомалада шундай йўл тут-

димки, агар хотираларида мента нисбатан шубҳаю кўркув бўлса, унут бўларди.

• Шижоатли кишиларни дўст тут, чунки Тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайди.

• Уламо билан суҳбатда бул ва пок ниятли, тоза қалбли кишиларга талпин. Буларнинг ҳимматларидан улуш тиланиб, муборак нафаслари билан дуо-фотиҳа беришларини илтимос қил.

• Азму жазм билан иш тутдим. Бирон ишни қилишга қасд қилган бўлсам, бутун эҳн, вужудим билан боғланиб, битирмагунча ундан қўлимни тортмадим.

• Ҳеч кимга ғазаб билан қаттиқ муомала қилмадим ва ҳеч бир ишда танглик қилмадим, токи Тангри таолонинг ғазабига дуочор бўлмайин, у ишимни бузиб, ҳолимни танг айламасин деб.

МЕҲР ҚЎШИБ ТАЙЁРЛАНАДИГАН ТАОМ

Сумалак табиий, шифобахш неъмат. Бугдой, ун ва сувдан тайёрланадиган, аёллар меҳри қўшиб пишириладиган тоза, пок таомдир. Авваллари сумалак пишириш жуда мураккаб жараёндек туюларди. Кўз кўраверса, ҳар йили тайёрласангиз ўрганиб кетар экансиз.

Декабр ойидан бошлаб сумалак пишириш одат тусига кирган. Баъзи аёлларимиз Наврўзгача (оммавий сумалаккача) уйда 10-15 марта сумалак пиширадilar. Ҳар бир пазанда аёл бунинг улдасидан чиқиши мумкин.

Сизга уй шароитида — ошхонада сумалак пишириш ҳақида маслаҳат бермоқчиман: 9 кг.лик қозонга мослаб, 3 кг. бугдойни тозалаб, биринчи кун кечкурун ювасиз. Иккинчи кун кечгача бугдой бўртиб чиқади. У тоза фанер ёки оштахта устига 3-4 см. қалинликда ёйилади. Сал қийроқ қилиб қўйилади. Шунда сепилган сув узоқ туриб қолмайди.

Сумалак иссиқ етарли бўлган қоронгу хонада ундирилади. Шундагина униб чиққан майса оқ-сарик тусда бўлади. Агар ёруелик кўп тушса, майса яшил ранг бўлиб сумалакка ачимсиқ таъм беради. Уч кунда бугдой майсага айланади. У гўшт қиймалагичдан чиқарилади (агар бугдой томири етарли бўлса, бир дона бугдой ҳам сочилиб кетмайди). Майдаланган майсага ботгунча совуқ сув солиниб, эзгилаб, 2 қават доқадан сузиб ўтказилади. Бу ҳолат уч марта такрорланади. Қозон бир қошиқ сариёғ билан мойланади. Тайёр биринчи шира қозонга солинади. Қозон катта бўлса, иккинчи сув ҳам солинади. Эланган ун (1 кг. бугдойга 3 кг. ун) секин-аста аралаштирилади, токи кумоқ бўлиб қолмасин. Шундан сўнг масаллиқли қозон газга қўйилади.

Баъзилар ялтираб турсин деб ёғ, ширин бўлсин деб шаккар, қизариб пишин деб жий-

да солишади. Бундай қилиш нотўғри. Негаки, сумалак табиий ҳолда ҳам чиройли, ширин бўлиб пишаверади. Аралашма қайнаб чиққунича тўхтамай, ун-хамир тагига ёпишмаслиги, қуймаслиги учун қовлаб турилади. Ун-хамир қайнаб, юқорига кўтарилиб чиққач олов ўчирилиб, бир соат тиндирилади. Шу вақт ичида хамир-сув алоҳида ажралиб, тиниқ бўлиб кўришиб туради (кўпчилик шу ерда оловни ўчирмайди, натижада сумалак ёпишқоқ бўлиб чиқади). Бу ҳолат сумалакнинг авжи дейилади. Бир соатдан сўнг олов ёқилади.

Энди хамир ҳолатидаги ун эриб, титилиб, юқорига чиққа бошлайди, шу ҳолат қанча сифатли бўлса, сумалагимиз шунча ширин, чиройли бўлади. Оловни кўтариб, қайната бошлаймиз. Қанча қаттиқ қайнаса ҳам сумалак тагига олмайд. Аҳён-аҳёнда қовлаб турилади, қайнаш жараёнида камайиб қолган сумалакка учинчи сув ҳам солингач, 5-6 соатдан кейин ранги қизара бошлайди. Ана шу вақтда олдий, тоза сув солаимиз. Сув қайнаб булганган сари шира қизариб, сумалак чиройли тусга кира бошлайди. Аввал оқ кўпик, сўнгра сариқ кўпик пайдо бўлади. Сумалак шу вақтдан бошлаб тинмасдан қовланади. Қачонки кўпик йўқолса, сумалак шивирласа, пақ-пақ отилса, қуйилиб ялтирай бошласа қовлаш тўхтатилади. Қозон дастурхон билан ёпилиб, икки соат дам берилади. Икки соатдан сўнг сумалак очиб кўрилса, юзида чиройли авжлар пайдо бўлгандек, Анбар эна, Биби Фотималар гўзал, сеҳрли нақшлар чизиб кетгандек кўрилади. Сумалакдаги ёқимли ҳиддан кўнглингиз яйрайди, иштаҳангиз очилади.

Агар эринмасангиз, озгина ҳафсала қилсангиз, “илик узилди” — баҳор фаслида ҳаммамиз учун суюмли бўлган, сервитамин ширинлик, ажойиб таом — сумалак шундай тайёрланади.

Ш. МАДРАҲИМОВА

МУАССИС:
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир:
Шодмон
ОТАБЕК

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:
Шомансур ОБИДУЖАЕВ
Шухрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Қуролбой ТЎЛЕБОЕВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ

ЖАМОАТЧИЛИК
КЕНГАШИ:
Саидмахмуд АКБАРОВ
Шохрух АКБАРОВ
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Меҳмонкул ИСЛОМҚУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Бобохон ШАРИФ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000,
Тошкент-35, А. Толстой
кўчаси, 1.



ТЕЛЕФОНИМИЗ:
136-36-42, 136-35-29,
144-29-09.
Факс: 136-36-42.
ИНДЕКС: 64600
Жума кунлари чиқади

Таҳририятга келган қўл-ёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақола-лардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00011 рақам билан рўйхатга олинган.

Буюртма № Г-372.
8338 нусхада чоп этилди.
Офсет усулида босилди.
Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ,
Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ БОСМАХОНАСИ.
Манзили:
Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси,
41-уй.

Босишга топширилди — 18.00
Босишга топшириш вақти — 18.00

1 2 3 4 5 6



Бознарда баҳор!

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ олган сурат

НЕФТ ДАРАХТИ

• Бу — қизик!

Филиппинда “ханга” деган дарaxт нефт ўсади. Эндиликда бу дарaxт нефт дарaxти деб атаи бошланди. Чунки унинг меваси ёнаётганда кўкимтир-

ёруғ аланга беради. Бу дарaxт ёқилги ва шу пайтгача нефтдан олиб келинган хом ашё манбаи бўлиб қолиши мумкин деб ҳисобланмоқда.

ТАВРИКЛАЙМИЗ!

“Қорази поғтаси” акционерлик жамоати жамоаси қорғонини Турция фирмаси бошлиқ тўбаси Р.САНАДОВНИ қўйиш 50 йил билан санлий тўрорақоб элади. Унга солиқ, барфалик, ишларида тўрорақоблар тўлаб қолди.

“Қорақалпоқ поғтаси” А.Н. Шайхидин фирмаси жамоаси қорғонга шикторисни Х. АЙИТОВНИ 50 йилга бериши муносабати билан таъбриклиди. Унга узоқ умр, сийаб-саломатлик ва оилавий тўбаси тўлаб қолди.

“Анджон Мелокан” фирмаси ва Анджон вилояти алоқа ходимлари беришган қасби фирмаси қўбаси жамоалари қорғонга дарёёнири қўбаслари Х. ПАНИШОВНИ тўрорақоб қўйи билан қўбаси таъбриклиди. Унга тўрорақоб солиқ, ишларида тўрорақоблар ва оилавий бағъ тўлаб қолди.